

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы	77
Г.Орипова	
Мустақиллик давры ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоды анъаналары ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорыда доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлары	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликларыро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласыга оид мулоҳазалар	96
М.Абдупаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисасы ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашуров	
“Алпомиш” достоныда қўлланылган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлары	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусыда	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланынг қисқа ёзуви устыда ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланыш уй-жой муаммосыни ҳал қилиш шаклларидан бири сифатыда	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фаргона-Тошкент мақом йўналышининг фалсафий масаласыга доир	118
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятыга доир мумтоз назарияларнинг ривожланышы	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланыш	123
Н.Маҳмудова	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқины	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарыни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолары	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасининг айрим хусусиятлары	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллары	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияты	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлары	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фаныни ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланышнинг аҳамияты	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимасы хусусыда	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидоий олим	148
--------------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ	150
---------------------------	-----

УДК: 041+415.5

ТИЛ БИРЛИКЛАРИАРО ПАРАДИГМАТИК ВА СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАР МАСАЛАСИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

А.Бердиалиев

Аннотация

Мақолада тил ва унинг сатҳларининг систем хусусиятини белгилашда муҳим саналувчи парадигматика ва парадигматик муносабатлар, синтагматика ва синтагматик муносабатлар, уларнинг тил сатҳларидаги амали хусусида фикр юритилади.

Аннотация

В статье речь идет о парадигматике и парадигматических отношениях, синтагматике и синтагматических отношениях, с помощью которых определяется системный характер языковых уровней и системность языка в целом.

Annotation

The article deals with paradigmatics and paradigmatic relations, syntagmatics and syntagmatic relations, with which the systemic character of language levels and the systematic character of the language as a whole are organized.

Таянч сўз ва иборалар: система, лисоний муносабат, парадигматика, парадигматик муносабат, синтагматика, синтагматик муносабат, тил сатҳлари, фонема, тилнинг фонемалар сатҳи, морфема, тилнинг морфемалар сатҳи.

Ключевые слова и выражения: система, языковые отношения, парадигматика, парадигматические отношения, синтагматика, синтагматические отношения, уровни языка, фонема, фонемный уровень языка, морфема, морфемный уровень языка.

Key words and expressions: system, language relations, paradigmatics, paradigmatic relations, syntagmatics, syntagmatic relations, language levels, phoneme, morphemic level of the language, morpheme, language morpheme.

Тил бирликлари, тилнинг қайси сатҳига қарашлигидан қатъий назар, маълум бир лисоний муносабатлар асосида ўзаро боғланади. Бундай лисоний муносабатлар асосан икки хил бўлиб, улардан бири парадигматика (парадигматик муносабатлар), иккинчиси синтагматика (синтагматик муносабатлар), деб аталади.

Парадигматик муносабатлар асосида парадигма, синтагматик муносабатлар асосида синтагма (ва синтагматика) тушунчалари ётади. Парадигматика ва парадигматик муносабат, синтагматика ва синтагматик муносабатлар тушунчалари француз ва швейцариялик тилшунос Ф.де Соссюр таълимоти тўғрисида фанга маълум бўлган [1].

Парадигма ва парадигматика тушунчалари синтагма ва синтагматика тушунчалари билан «эгизак» ва ўзаро муносабатдошдир. Чунки тил бирликлари муайян бир парадигмалар таркибига мансуб бўлади, улар доирасида «яшайди». Улар синтагматика таъсирида ўзига сатҳдош бошқа бирликлар билан қўшилади ва тил сатҳидан нутқ сатҳига кўчиб, лисоний вазифасини рўёбга чиқаради. Шу боис тил тизимида парадигма ва парадигматика, синтагма ва синтагматикага нисбатан дастлабки (олдинги) босқичда туради. Шунга қарамай, парадигматика ҳам, синтагматика ҳам тил ҳодисаси сифатида хотирада психик характерда мавжуд бўлади [2, 109].

Тилнинг қайси сатҳида бўлмасин, ҳар қандай парадигма лисоний жиҳатдан ўзаро муносабатдош бирликлар

йиғиндиси тарзида тасаввур этилади. Муносабатдош лисоний бирликлар гуруҳида ички бирликларга яна қонуний парчалана оладиган, вариациялаша оладиган инвариант (етакчи) аъзо [3, 4] марказий ҳодиса саналади. Парадигманинг етакчи (инвариант) ҳодисасига муқобиллашувчи бошқа (маргинал) бирликлари ана шу етакчи аъзо билан муайян бир ўхшаш, умумий белгилар асосида боғланади, ноўхшаш бошқа бир белгиларига кўра унга зид муносабатда бўлади. Инвариант ва унга муқобил аъзоларни ўзаро фарқлаш учун хизмат қиладиган белги оппозиция асоси ҳисобланади. Парадигма аъзолари нутқ занжирида муайян позиция ишғол қилиб, ўзига сатҳдош бошқа бир лисоний ҳодиса билан боғланади ва ўзига хос лисоний вазифа бажаради. Бу жараён синтагматика дейилади [1]. Масалан. «и» фонемаси қаттиқлик ва юмшоқлик, чўзиқлик ва қисқалик белгиларига эга бўлган муқобил вариантлар йиғиндисидан ташкил топган. Бу фонеманинг қаттиқлик ва юмшоқлик белгисига эга бўлган муқобил аъзолари алоҳида қатор ҳосил қилади: «ы – и»; чўзиқ ва қисқалик белгисига эга бўлган бошқа муқобил аъзолари ҳам ўзига хос бошқа алоҳида қаторда туташади: «и – й». Инвариант бирлик характеридаги «И» фонемасининг конкрет муқобилларидан ташкил топган бу қаторлар унинг («И» фонемасининг) парадигмалари ҳисобланади. Қаттиқлик белгисига эга бўлган «и (ы)» билан юмшоқлик белгисига эга бўлган «и»нинг; чўзиқлик белгисига эга бўлган «и (и:)» билан қисқалик белгисига эга

А.Бердиалиев – Хужанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори.

ТИЛШУНОСЛИК

бўлган «и»нинг ўзаро боғланиши шу конкрет муқобилларнинг парадигматик муносабати, деб қаралади. «И» фонемасининг мазкур парадигматик кўламини куйидаги схемада яна ҳам аниқроқ тасаввур этиш мумкин.

Оппозиция асоси	
Қаттиқлик-юмшоқлик	и1
белгиси	и2
Чўзиқлик-қисқалик	и1
белгиси	и2
Инвариант	характердаги «И»

фонемасининг қаттиқлик ёки юмшоқлик, чўзиқлик ёки қисқалик белгиларига эга бўлган конкрет вариант (муқобил)лари синтагматик муносабатлар туфайли вужудга келган. «И» фонемасининг синтагматик муносабати унинг нутқий жараёнда бошқа фонемаларнинг конкрет товуш вариантлари билан қўшилиши туфайли содир бўлади. Масалан: биқин (би – чўзиқ, қин – қисқа); йиғин (йи – чўзиқ ва юмшоқ, ғин – қисқа ва қаттиқ) сўзлари таркибида «И» фонемаси бошқа фонемалар билан қўшилган; унинг конкрет вариантлари ана шу қўшилиш – синтагматика туфайли вужудга келган: б-и-қ-и-н, й-и-ғ-и-н, ғ-и-р – ғ-и-р.

Тилнинг ашёвий материаллари табиатидан маълум бўладиги, парадигма ўзаро муносабатдош бир неча муқобил лисоний ҳодисалар тўдасидир; синтагматика эса, ана шу муносабатдош муқобил лисоний бирликлардан бирининг нутқда тилнинг муайян бир сатҳига қарашли ўзига ёндош бошқа лисоний бирликлар билан қўшилишидир. Шунинг учун ҳам парадигматика бири бошқасини алмаштира оладиган лисоний бирликларнинг ўзаро муносабати тавсифида бўлади.

«И» фонемаси парадигматикаси ва синтагматикаси мисолида кўзга ташланувчи лисоний хусусиятни ишчи – почтачи – тракторчи – миллатчи сўзларининг ўзаро муносабатида ҳам кўриш мумкин. Бунда луғавий маъноси ҳар хил тўртта сўз улар таркибида бир хил вазифа билан иштирок этаётган –чи аффикси воситасида ўзаро ассоциатив муносабатга киришган. Бу лисоний боғланиш «ўзак + чи» моделига эга бўлган ясама дериватларнинг парадигматик муносабатида юз берган (бу лисоний гуруҳ сўз ясаиш парадигмаси дейилади). Шунга ўхшаш парадигма ишчи – ишлик – ишсиз сўзлари муносабатида ҳам мавжуд. Мазкур парадигма шу парадигмани ҳосил қилган сўзлар таркибидаги «иш-» ўзагининг муштараклиги (парадигма аъзоларининг барчаси учун умумийлиги) асосига қурилган. «ўзак+чи», «иш+сўз ясовчи аффикс» моделларига хос конкрет лисоний унсурларнинг реаллашуви (ишчи – почтачи – тракторчи – миллатчи; ишчи – ишлик – ишсиз) эса, ана шу сўзлар таркибидаги ўзак ёхуд аффикс

морфемаларнинг синтагматик муносабатлари, яъни ўзаро қўшилиши туфайли вужудга келган: иш-чи, почта-чи, трактор-чи, миллат-чи; иш-чи, ишлик, иш-сиз.

Уй – бино, йўл – кўча, юз – бет – афт каби жуфтликларда юқоридагилардан фарқ қилувчи яна бошқа ассоциатив лисоний хусусият кўзга ташланади. Бу жуфтликларда уларнинг шу жуфтликлар таркибига кирувчи алоҳида аъзолари луғавий сатҳга хос маънодошлик синонимлик) белгисига кўра парадигматик муносабатга киришган.

Демак, мисоллар табиатидан шу нарса маълум бўладиги, парадигматик муносабатлар лисоний бирликларнинг маълум бир муштарак позицияда ўзаро ўрин алмаша оладиган муносабатидир [4,258]. Масалан, уй – бино, йўл – кўча, иш – юмуш, болага – ўқувчига – ишчига, қулдор – пулдор – чорвадор, меҳнаткаш – меҳнатчи жуфтликларида шу хусусиятни кўриш мумкин. Уй – бино, кўча – йўл, иш – юмуш жуфтликларида уларнинг вазифавий унсурлари (қисмлари) луғавий сатҳга хос маънодошлик белгисига кўра муштарак позицияга эга бўлган бўлса (қиёсланг: Уй битди – Бино битди; Кўча шу ерда тугайди – Йўл шу ерда тугайди; иш билан машғул бўлмоқ – юмуш билан машғул бўлмоқ), болага – ўқувчига – ишчига жуфтлигида шу жуфтликнинг ҳар бир аъзоси бир синтактик позицияда кела олади: Ишчига мукофот берилди – ўқувчига мукофот берилди – Болага мукофот берилди. Қулдор – пулдор – чорвадор жуфтлиги эса, шу жуфтлик аъзолари таркибидаги –дор сўз ясовчи аффиксининг айнан бир хил позициясига кўра ҳосил бўлган. Бош – қош – тош, бор – бур – бер, ор – оз – оч – оқ типидagi лисоний жуфтликларда шу жуфтликларни ташкил этган аъзоларнинг ўзаро боғланиши яна бошқа ассоциатив хусусият касб этган: биринчи жуфтликда препозитив тартибдаги б – қ – т; иккинчи жуфтликда интерпозитив тартибдаги о – у – э, учинчи жуфтликда постпозитив тартибдаги р – з – с – ч – қ фонемалари ўзаро позициядош бўлиб, бу позициядошлик (муносабатдошлик) мазкур фонемаларнинг келтирилган лисоний ашёлар билан боғлиқ парадигматик алоқаларини рўёбга чиқарган. Шунинг учун мазкур жуфтликлардаги парадигматик муносабатлар, тилнинг қайси сатҳи ҳодисаларида бўлмасин, икки ёки ундан ортиқ лисоний бирликлараро вужудга келган. Бу бирликлар айни бир лисоний позициянинг ҳар хил вариантлари сифатида муштарак вазифа бажаради. Парадигматик жуфтликлар таркибидаги аъзолар бир инвариант (бирлаштирувчи) лисоний бирликнинг унга лисоний жиҳатдан бўйсунувчи ҳар хил конкрет вариантлари ҳисобланади. Инвариант аъзо ҳам муайян бир парадигманинг шу парадигма таркибидаги вариант аъзоларини «етакловчи» лисоний бирлик сифатида намоён бўлади.

Масалан, китоб – китобнинг – китобни – китобга – китобда – китобдан сўзларидан таркиб топган гуруҳ китоб сўзининг келишиқ парадигмасидир. Мазкур парадигмада унинг бош келишиги шаклида бўлмаган бошқа аъзолари бош келишиги шаклидаги китоб сўзига нисбатан вариант аъзолар саналади; китоб шакли эса, шу сўзнинг қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиқлари шаклларидаги муқобилларига нисбатан уларни ассоциатив тарзда «етакловчи» инвариант аъзо мақомида иш кўради. Шуниси муҳимки, бу парадигма таркибида китоб шаклидаги қисм ҳам вариант, ҳам инвариант аъзолик белгиларини ўзида мужассамлаштирган. Шунингдек, юқорида «И» фонемасининг парадигматик кўлами билан боғлиқ хусусиятлар ҳақида сўз юритилган эди. «И» фонемаси шу фонеманинг барча парадигмалари қаторида ҳам инвариант, ҳам вариант аъзолар сифатида иштирок этган.

Ашъвий лисоний далиллар характери шуни тақозо этадики, ҳар бир тилда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам, лисоний бирликлар муайян тўда ёки парадигма ихтиёрида амалда бўлади. Тилнинг бир чизиқли йўналиши қонуниятига мувофиқ, нутқнинг муайян бир парчасида муайян парадигма доирасига қарашли вариантлардан бири шу парадигма вакилларида бири сифатида иштирок этади. Тилнинг муайян бир лисоний гуруҳ ёхуд парадигма доирасига қарашли ҳодисалари – умуман фонема, умуман морфема, умуман лексема-глоссема тарзида абстракт лисоний бирлик тусида бўлади. Абстракт лисоний бирлик характерида тасаввур этилувчи мазкур бирликларнинг конкрет шаклга кириши, масалан, умуман фонемадан конкрет товушга, умуман морфемадан конкрет морфга, умуман лексема ёки глоссемадан конкрет сўзга (лексга) ўтиши виртуал лисоний бирликларнинг актуализацияси ёки реализацияси дейилади [5,79-80]. Тилнинг мавҳум тарзда тасаввур этилувчи бирликларининг актуализацияси – нутқнинг конкрет лисоний бирликка айланиш жараёни, яъни реализацияси синтагматика таъсирида амалга ошади. Бу нарса парадигматика тушунчасининг синтагматика билан лисоний алоқасини, мантиқий боғлиқлигини кўрсатади. Чунки парадигматика ва синтагматика тил ва нутқ дихотомияси билан алоқадор, унинг мантиқий асосини ташкил этувчи ҳодисалардир. Лекин, шунга қарамай, тил ва унинг тизимини фақат парадигматика, нутқ ва унинг тизимини эса фақат синтагматика ташкил этади, деб тушунмаслик керак. Шуниси ҳам борки, нутқнинг муайян бир оқимида парадигматика ва синтагматикага тегишли хусусиятлар ўзаро бирлашиб, қўшилиб кетади [5, 93]. Парадигма аъзолари нутқ парчасида синтагматик хусусият касб этиб, синтагматик бирликка айланганидек, синтагматик

имкониятлар ҳам парадигматикага таъсир кўрсатади, унинг қамровини кенгайтиради, тил тизимида янгидан-янги парадигматик имкониятлар ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Масалан, мустақиллик даврида шаклланган ўзбек адабий нутқида ҳудуд, ноҳия, туман, котиб ва шуларга ўхшаш сўзлар ишлатила бошланди. Ҳудуд, ноҳия, туман, котиб сўзлари ўзбек тили лексикасида тарихан ҳам мавжуд бўлиб, шўролар даври ўзбек тилида архаик луғавий бирликлар сифатида кам истеъмол қилинар эди. Уларнинг архаик луғавий бирликларга айланиши, кўп вақтлар истеъмолдан қолиши натижасида ҳудуд-территория, ноҳия-район, туман-район, котиб-секретарь типидagi парадигматик имкониятларга вақтинча чек қўйилганди. Мустақиллик даври ўзбек адабий нутқида ҳудуд, ноҳия, туман, котиб типидagi сўзлар янги давр мафкураси тақозоси билан семантик неологизмлар сифатида яна истеъмолга кирди. Натижада, кейинги давр ўзбек тили лексикасида ҳудуд-территория, ноҳия-район, туман-район, котиб-секретарь сингари парадигматик қаторлар яна тикланди. Шунингдек, ҳар қандай янги тушунча янги ном, янги атама сифатида дастлаб нутқда (синтагматика қамровида) вужудга келади. Янги сўз (ном) тилда мавжуд бўлган бирор-бир муқобил бирлик билан ё янги парадигматик имкониятни вужудга келтиради, ё мавжуд парадигматик имкониятни бошқа янги бир муқобил аъзо сифатида кенгайтиради.

Демак, айтилганлардан маълум бўладики, тил ва нутқ муносабатида қандай мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлса, парадигматика ва синтагматика тушунчалари муносабатида ҳам ўшандай қонуний мантиқий боғланиш амал қилади. Чунки нутқ тушунчасининг ўзи тил системасининг потенциал тарзда мавжуд бўлган синтагматик муносабатлар реализацияси туфайли ҳосил бўлувчи системадир. Агар тил системаси бир бутун ҳолда парадигматик ва синтагматик жабҳаларга эга бўлса, нутқ тил системасининг парадигматик муносабатлари потенциал тарзда тасаввур этилувчи синтагматик жабҳасига эга бўлади [5,93]. Синтагматика ёхуд синтагматик муносабатларнинг парадигматика ёхуд парадигматик муносабатлардан фарқли томони яна шундаки, синтагматик муносабатлар конкрет тил бирликларининг конкрет муносабатдошлигини акс эттириш нуқтаи назаридан нутқ учун актуал восита тарзида берилади [5,93]. Шу билан бир қаторда, парадигматика ёхуд парадигматик муносабат мантиқий дизъюнкцияга асос бўлувчи ёки-ёки (ё-ё) типидagi муносабат саналса, синтагматика ёхуд синтагматик муносабатлар – мантиқий конъюнкцияга асос бўлувчи ва-ва типидagi ва шунга ўхшаш лисоний муносабатдир [4,258].

ТИЛШУНОСЛИК

Бир парадигма доирасига кирувчи аъзолар ўзаро ҳам ўхшаш, ҳам фарқли белгиларга эга бўлади. Парадигма ва унинг мавжудлиги айна ана шу икки хусусиятга кўра белгиланади. Парадигма аъзоларидаги фарқли белгилар шу парадигманинг оппозиция асоси вазифасини ўтайди. Парадигманинг барча аъзолари учун муштарак саналган белгилар эса шу парадигма аъзоларининг тил-нутқ дихотомиясида мустақил мавжуд бўла олиш имкониятини таъминлайди. Парадигма аъзоларининг мустақил амали учун фарқли белгиларнинг бўлиши, албатта, шарт: оппозитивлик тил бирликларининг мустақил «яшаш» усулидир. Муайян бир ўхшашлик, умумийлик асосида бирлашиб, айрим фарқли белгиларга кўра ўзаро зидланувчи, коммуникация талаби билан бирининг ўрнини эгаллай оладиган икки ёки ундан ортиқ лисоний унсур-элементлар ўзаро оппозитив, яъни лисоний-манتيкий зидлик муносабатида бўлади [3, 4]. Масалан, ўзаро оппозитив муносабатдаги меҳнаткаш, ишчи, курсдош, боғбон, каптарбоз, ҳукмдор типдаги сўзларни бир парадигма доирасида бирлаштириш мумкин. Уларнинг бир парадигма қамровида бирлаша олувчи муштарак лисоний белгиси – бу, уларнинг шахс маъносини билдирувчи луғавий бирликлар эканлигидир. Айна ўринда мазкур парадигма қамровидаги ҳар бир аъзо бошқасидан муайян бир лисоний фарқларга ҳам эга. Бу фарқ уларнинг ҳар бирига хос ифода материали – репрезентациясининг ҳар хиллигида кўзга ташланади. Келтирилган бу парадигмада шу парадигмага дахлдор аъзоларнинг ўхшашлик муносабати улар таркибидаги сўз ясовчи аффиксларнинг ўзаро синонимияси – маънодошлиги белгисига кўрайдир. Бундан ташқари, мазкур парадигма туфайли -каш, -чи, -дош, -боз, -дор ясовчи аффиксларидан иборат бошқа яна бир парадигманинг мавжудлигини ҳам сезиш қийин эмас. Демак, меҳнаткаш, ишчи, курсдош, боғбон, каптарбоз, ҳукмдор сўзлари уюшган лисоний тўдада тилнинг икки ҳар хил сатҳига хос парадигмалар ўзаро қоришган, синкрет ифодага эга бўлган: 1) луғавий-семантик сатҳга хос парадигма (сўзларнинг шахс маъноси белгисига кўра умумийлиги); 2) морфем сатҳга хос парадигма (сўз ясовчи аффиксларнинг маъно ва вазифадошлиги белгисига кўра). Бир лисоний гуруҳда тилнинг икки ҳар хил сатҳига хос парадигматик муносабатнинг мавжуд бўла олишининг сабаби шундаки, икки ёки ундан ортиқ лисоний унсурнинг бир парадигматик қаторда иштирок этиши учун парадигматик аъзоларнинг субстанционал ёки семантик планларида муайян бир лисоний умумийлик (ўхшашлик) бўлиши шарт саналади [3, 4]. Келтирилган сўзлар гуруҳида ҳар икки парадигма аъзолари ўзига хос фарқли ва ўхшаш белгиларига эгаки, буни, айтилганидек, сезиш қийин эмас. Меҳнаткаш-

ишчи-курсдош-боғбон-каптарбоз-ҳукмдор қатори билан боғлиқ парадигматик боғланишларда яна бошқа бир хусусият кўзга ташланади. Шу сўзлар гуруҳи билан боғлиқ иккинчи парадигмада меҳнат-, иш-, курс-, каптар-, боғ-, ҳукм- каби ўзак морфемаларни (ясовчи асосларни), айниқса, уларнинг сўзга тенглашувчи қисмларини бир парадигма қамровида бирлаштириш қийин (иш-, меҳнат- унсурлари бундан мустасно).

Демак, маълум бўладики, тилнинг қайси сатҳи бўлмасин, уларга хос парадигмаларда ассоциатив муносабатда боғланувчи лисоний бирликлар умумий-муштарак ва фарқли лисоний белгиларга эга бўладики, бу нарса парадигманинг «ҳаётийлиги» учун муҳим ва зарурдир. Булардан ташқари, муайян бир лисоний бирлик бирдан ортиқ парадигмаларда уларнинг муқобил аъзолари сифатида иштирок эта олади.

Тил бирликларининг бирор-бир парадигма қамровида бирлашуви улар (шу бирликлар) тўқнашадиган позицияга кўра белгиланади. Бу позиция синтагматикага қарашли ва унинг ихтиёрида бўлади. Айна бир позицияда тўқнашувчи лисоний бирликлар миқдори улар мансуб бўлган парадигманинг аъзолари миқдори билан мутаносибдир. Масалан, синонимия уясида унинг парадигматик муносабатда боғланувчи аъзолари (синонимик бирликлар) қанча кўп бўлса, унда тўқнашадиган унсурлар миқдори ҳам шунча кўп бўлади, ажралувчи парадигмалар ҳам шу даражада кенг бўлади. Позиция чегараси қанчалик катта бўлса, унда тўқнашадиган лисоний унсурлар миқдори шунча кичик бўлади [5,80].

Тил унсурларининг парадигматик боғланишлари турлича қуршовларда амалга ошади. Бу қуршовлар бири бошқасини ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади. Бошқа парадигматик қуршов ҳосил қила олмайдиган тил бирликлари максимал (йирик) парадигмалар [5,79-80] доирасида туташади. Максимал йирик парадигмалар ўзидан қуйи парадигмалар (подпарадигмалар) ва улардан яна кичик (минимал) парадигмалар уюшмасидан тузилади. Энг кичик (минимал) парадигмалар унга нисбатан йирикроқ, ўртача катталиқдаги парадигмалар ўзига нисбатан яна бошқа йирикроқ парадигмалар ва ҳоказо изчилликдаги парадигмалар таркибига унинг таркибий унсурлари сифатида ўрнаша боради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай йирик, максимал парадигма ўзига нисбатан қуйи босқич парадигмалар ҳосиласидир, уюшмасидир. Бу ва бунга ўхшаш хусусиятлар тил тизимининг парадигматика ва синтагматикадан бошқа, учинчи шарт— иерархия ва иерархияли муносабатлар ҳодисаси билан алоқадор тушунчалар ҳисобланади. Демак, тил тизими парадигма ва парадигматик муносабатлар, синтагматика ва синтагматик

муносабатлар, иерархия ва иерархияли муносабатлар сингари мантиқий-лисоний компонентларни ўз ичига олган мураккаб қурилмадир. Айтилган бу масалалар тилнинг барча сатҳ ҳодисаларининг ассоциатив амалида ўз исботига эга бўлади. Масалан, ўзбек тили фонемалари сатҳига назар ташласак, улар олти аъзодан иборат максимал парадигма характерида бўлади: и, у, ў, э, а, о. Бу парадигма ўз навбатида уч қуйи парадигмага ажралади. Мазкур парадигмаларнинг оппозиция асоси сифатида тилнинг фонемалар ҳосил бўлишидаги горизонтал ҳаракати, вертикал ҳаракати, лабларнинг иштироки каби белгилар хизмат қилади. Унли фонемалар ҳосил бўлишидаги бу хусусиятлар ҳам ўзига хос ўртача йирикликдаги парадигмалар саналиб, улар орқа қатор унли – олд қатор унли (биринчи); кенг унли-ўрта кенг унли-тор унли (иккинчиси); лабланган унли-лабланмаган унли (учинчиси) каби ўзига хос кичик, таг парадигмаларга парчаланadi. Бу кичик парадигмалар ҳам ўзидан яна кичикроқ (минимал) таг парадигмаларга бўлинади. Масалан, олд қатор унлилар парадигмаси: у, ў, о; тор унлилар парадигмаси: и, у; ўрта-кенг унлилар парадигмаси: э, ў; кенг унлилар парадигмаси: а, о; лабланган унли фонемалар парадигмаси: у, ў; лабланмаган унли фонемалар парадигмаси: и, э, а, о. Унли фонемалар парадигматик қамрови булар билан чекланмайди, албатта. Бу унли фонемаларнинг ҳар бири қаттиқлик-юмшоқлик, чўзиқлик-қисқалик белгилари асосида ҳам яна бошқа қуйи парадигматик қаторларни ўз ичига олади. Ана шу энг сўнгиси ўзбек тили унли фонемалари парадигматик тизимини яқунлайди.

Хуллас, парадигматик ва синтагматик муносабатлар тил структурасининг функцияга

киришувини таъминловчи асосий омиллардир. Парадигматик муносабатлар тил бирликларининг нутқ сатҳигача бўлган ўзаро боғлиқликлари асосланса, синтагматик муносабатлар тил элементларининг нутқ оқимидаги ёндошлигига асосланади. Лисоний бирликлар ана шу икки муносабатнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро алоқаси туфайли маъно англатиш имкониятига эга бўлади. Парадигматика ва синтагматика ҳодисалари бири бошқаси билан қанчалик узвий боғлиқликка эга бўлишидан қатъий назар, улар ўзаро фарқ қилади. Парадигматика кенг маънодаги номинатив бирликлар билан иш кўрса, синтагматика тилнинг коммуникатив характердаги бирликлари билан иш кўради (6,9). Шуниси ҳам борки, бу тарзда чегаралаш парадигматика тил ҳодисаси, синтагматика нутқ ҳодисаси деган қатъий ҳукмга олиб бормайди. Парадигматика нутқ ҳодисалари билан, синтагматиканинг эса тил ҳодисалари билан иш кўра олиши юқоридаги далиллар асосида исботланади. Хусусан, парадигматика тушунчасининг синтактик сатҳ ҳодисалари доирасига кириб келиши парадигматика ва синтагматика планларини ўзаро мустақкам боғлаб, уларнинг фарқли хусусиятларига чек қўяди.

Парадигматика ҳамда синтагматика тушунчаларининг кўлами ниҳоятда кенг. Улар тил системасининг барча сатҳини қамрайди. Қайси сатҳда бўлишидан қатъий назар, парадигматика ва синтагматика тушунчалари муштарак хусусиятларга эга бўлса-да, уларни ҳар бир сатҳ доирасида алоҳида-алоҳида ўрганиш талаб қилинади. Бу ҳодисаларни шу тарзда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ва у ҳозирги давр тилшунослик фани олдидаги долзарб муаммолардан бири саналади.

Адабиётлар:

1. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. –М.: Прогресс, 1977.
2. Мурясов Р.С. К теории парадигматики в лингвистике // Вопросы языкознания, 1980, № 6.
3. Неъматов Х. Қайта қуриш стратегияси ва ўзбек тилшунослигининг навбатдаги вазифалари // Ўзбек тилини синхрон ўрганиш масалалари. –Т., 1987.
4. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания, –М. Просвещение, 1975.
5. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –М.: Наука, 1977.
6. Мартынов В.В. Категория языка. –М.: Наука, 1982.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)